

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДАНОВ УЛУҒБЕК АБДУМУРОДОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ НУТҚ СИГНАЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ, ИШЛОВ БЕРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Берданов Улуғбек Абдумуродович Ўзбек тили нутқ сигналларини таҳлили, ишлов бериш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси.....	3
Берданов Улуғбек Абдумуродович Анализ речевых сигналов узбекского языка, алгоритмы обработки и программный комплекс.....	21
Berdanov Ulugbek Abdumurodovich Analysis of speech signals of the Uzbek language, processing algorithms and software packag.....	38
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	41

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДАНОВ УЛУҒБЕК АБДУМУРОДОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ НУТҚ СИГНАЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ, ИШЛОВ БЕРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т444. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мусаев Муҳаммаджон Маҳмудович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мўминов Баходир Болтаевич
техника фанлари доктори

Авазов Юсуф Шодиевич
Phd, доцент


Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «22» Октябрь да соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0/161 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «09» Октябрь кuni таркатилди.
(2020 йил «18» Сентябрь даги 15 рақамли реестр баённомаси).




Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент


М.А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда компьютер технологияларини ривожлантириш нутқга ишлов бериш воситаларини ривожлантиришга туртки берди. Рақамли сигналларнинг ишлов бериш турларидан бири бўлган нутқ сигналларига ишлов бериш алгоритмларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Нутқни таниш, ҳосил қилиш ва масофага узатиш каби масалаларнинг ечимлари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакатларда Россия Федерацияси, АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда турли тилларда нутқ сигналларига ишлов беришда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ўзбек тили нутқига замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ишлов бериш устида назарий ва амалий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Жаҳон амалиётида нутқ сигналларига ишлов беришга асосланган турли тилларда нутқни танишнинг аппарат-дастурий воситаларини, нутқни таниш, ҳосил қилиш ва нутқни масофага узатишга мўлжалланган дастурий мажмуаларни ишлаб чиқишга доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий изланишлар натижасида ҳар бир тил учун хусусий алгоритмлар кетма-кетлигини яратиш устида интеллектуал алгоритмларга асосланган тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, ўзбек тилидаги нутқ сигналларига ишлов бериш учун математик алгоритмлар, билимлар ва маълумотлар базаси ҳамда қулай интерфейсга эга дастурий мажмуа ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масала ҳисобланади.

Республикамизда ахборот технологияларининг ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли, аҳолининг йирик қатламини ахборот технологиялари, қулай дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши шарт шароитларини тубдан яхшилаш, ...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, нутқ нуқсони мавжуд болалар нутқ реабилитацияси учун математик алгоритмларини ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда бу соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ– 4947-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ – 5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ – 5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина илмий марказларда АҚШ, Германия, Англия, Россия ва Хитойда нутқ сигналларини таҳлил қилиш ва таниш учун моделлар, усуллар ва алгоритмларни яратиш, рақамли ишлов беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. Таниқли хорижий олимлар Э.Э.Айфичер, Л.Р.Рабинер, К.Х. Девис, Р. Биддалф, С.Балашек, К.Нагата, Ҳ. Сакое, И.Пател, Е.Трентин, Ж.Луи, А.Ҳалид, Т.К. Винцюк, А.М.Трахман, А. А. Карпов, И.С. Зайцев, Н.Е.Тимофеев, И.С.Кипяткова, А.А.Борискевич, В.Н.Сорокин, Б.М.Лобанов, В.М. Величко ва Н.Г.Загоруйко каби олимлар томонидан нутқ сигналларига ишлов беришда кенг қўлланиладиган самарали моделлар ва алгоритмларни яратилган.

Республикамиздаги бир қанча илмий тадқиқот муассасалари олимларининг ишларида ўзбек тили нутқ сигналларига ишлов бериш алгоритмлари, усуллари, маълумотлар ва билимлар базаларини ишлаб чиқишга оид илмий манбаларда ёритилган масалалар кўриб чиқилган. Шу жумладан, нутқ сигналларига ишлов беришда Ф.Б.Абуталиев, Т.Ф.Бекмуратов, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайниддинов, Ў.Р.Ҳамдамов, Л.Р.Муминова, Ш.Т.Каримова ва бошқа олимлар ўзининг катта ҳиссаларини кўшган.

Нутқ сигналларига ишлов бериш тизимлари устида таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, математик усуллар, алгоритмлар, маълумотлар ва билимлар базаси, қарор қабул қилишдаги интеллектуал алгоритмлар асосидаги дастурий мажмуалар ёрдамида болаларнинг нутқ камчиликларини

таҳлил қилиш, нутқ товушларини қўйиш ва учрайдиган нутқ нуқсонларини бартараф этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-026 – «Кўп ядроли ҳисоблаш аппарат платформалари таҳлили ва мультимедиа тизимлари учун оқимли ишлов бериш» (2012-2014), №А-5-015 – «Спектрал ўзгартиришлар асосида нутқли сигналларнинг таҳлили ва параллел методлар, алгоритмлар ва дастурлар яратиш» (2014-2017), БЕОА-5-005—«Инсон нутқини таниш тизимлари қурилмаларининг таҳлили ва нутқий сигналларни қайта ишловчи аппарат-дастурий воситалар яратиш» (2016-2018), ЁБВ-Атех-2018-134— «Нутқий сигналларни таниш алгоритмларининг рақамли сигнал процессорларида таҳлили ва дастурий таъминотини яратиш» (2017-2019) ва 24/19-Ф «Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалардаги нутқ нуқсонларини реабилитациясида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш» (2019) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интеллектуал ишлов бериш усулларига асосланган ўзбек тилининг нутқ сигналларини таҳлил қилиш ва таниш алгоритмларини яратиш ва логопедик реабилитация технологиялари учун дастурий таъминот яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқ сигналларига ишлов беришда фойдаланиладиган аппарат ва дастурий воситаларни таҳлил қилиш ва ўрганиш;

нутқ сигналларига ишлов беришда фойдаланиладиган моделлар ва усулларни таҳлил қилиш ва улар асосида ўзбек нутқ сигналларига ишлов бериш алгоритмлари яратиш;

болаларда нутқ нуқсонларини аниқлаш ва реабилитация технологияларини ривожлантириш учун зарур бўлган маълумотлар базаси ва билимлар базасини яратиш;

логопедик реабилитация технологияларида фойдаланувчи дастурий мажмуа ва қулай интерфейс яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида болалар нутқини ривожлантиришда қўлланилувчи логопедик товушлар, бўғинлар ва сўзлар асосида ёзилган нутқ сигналлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилининг нутқ сигналларини таҳлил қилиш ва таниб олиш учун моделлар, усуллар ва алгоритмлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, сонли усуллар, спектрал усуллар, мел-кепстрал усуллар, интеллектуал усуллар ва қарор қабул қилиш алгоритмларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нутқ сигналларига ишлов берувчи моделлар ва усуллар таҳлили асосида ўзбек тилига мос спектрал параметрларни ҳисобга олган ҳолда интеллектуал ишлов бериш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

нутқ сигналининг Фурье спектрал ва кепстрал параметрлари асосида ўзбек тили нутқига ишлов берувчи алгоритмлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган ва дастурлар яратилган;

ўзбек тилидаги нутқ товушлари, бўғинлари ва сўзлари танишда нейрон тармоқларининг вазнларини ҳисобга олган ҳолда билимлар базаси ва мултимедиали маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

ўзбек тили нутқ сигналлари ишлов беришда нутқ камчиликларини тузатишнинг логопедик технологияларини ҳисобга олган ҳолда қулай интерфейсга эга дастурий мажмуа яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нутқ камчилиги мавжуд болаларнинг логопедик технологиялар асосида нутқ камчиликларини аниқлаш ва реабилитация жараёни таҳлил қилинган ҳамда компьютер технологияси яратилган;

логопедик экспериментлар асосида Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг нутқ нуқсонлари аниқланган болаларнинг реабилитацияси учун дастурий мажмуа ва фойдаланувчи интерфейси ишлаб чиқилган. Дастурий мажмуанинг яратилган модуллари мантикий равишда бирлаштирилган ва ягона дастур сифатида ишлайди;

нутқида камчилиги бўлган болаларда нуқсонларни бартараф этишда дастурий мажмуанинг самарадорлиги амалий тажрибалар асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги болаларда нутқ нуқсонларини аниқлаш ва реабилитация қилишда махсус дастурий тўпладан фойдаланган ҳолда ўтказилган тажрибалар натижаларининг ишонччилигини исботлашга асосланган якуний хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нутқнинг бузилиши бўлган болаларнинг нутқ сигналларига ишлов беришда унли товушлар, ундош товушларни, бўғинларни ва сўзларни таниб олишнинг нутқ сигналининг параметрларини ишлаб чиқиш ва интеллектуал алгоритмлари яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яратилган алгоритмлар нутқида камчилиги бўлган болаларда нутқ нуқсонларини бартараф этиш учун ишлатиладиган тегишли дастурий мажмуа ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган алгоритмлар ва яратилган дастурий мажмуа асосида:

нутқ нуқсони мавжуд болаларнинг нутқ товушларининг реабилитацияда товушлар, бўғинлар ва сўзларни таниш алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган

дастурий мажмуа “LOGOS MARKAZ” МЧЖ да нутқ нуқсони мавжуд болалардаги нутқ камчиликлари бартараф этишда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 33-8/4095-сон маълумотномаси). Натижада таклиф қилинган алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа нутқ нуқсони мавжуд болаларда логопедик реабилитация вақтини 10-15 % га камайтириш имконини берган;

нутқ камчилиги мавжуд болаларда нутқ товушларини қўйишда, болаларнинг нутқини танишда қулай интерфейсга эга бўлган дастурий мажмуа Республика болалар ижтимоий мослашув марказида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 33-8/4095 маълумотномаси). Натижада, билимлар ва маълумотлар базасига эга дастурий мажмуа логопед ва болалар ўртасида мулоқот жараёнини осонлаштиради, болаларнинг логопед билан машғулотлари сонини камайтириш имконини берган ва болалардаги нутқ нуқсонларини бартараф этишда реабилитация вақтини камайтириш ва нутқ товушларини ўзлаштиришда юқори самара беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 23 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 2 таси хорижий журналларда ва 4 таси республика журналларида ва 2 та хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисида 8 та гувоҳнома олинган


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нутқ сигналини аниқлашнинг замонавий алгоритмларини таҳлил қилиш**» биринчи бобида нутқ сигналининг

тузилишини таҳлил қилинган, қайта ишлаш муаммолари, нутқ сигналларини қайта ишлайдиган маълум замонавий қайта ишлаш алгоритмлари ва мавжуд дастурий мажмуалар, ишлаб чиқилган алгоритмларни уч босқичда амалга ошириш имкониятларини тавсифлайди. Ушбу босқичлар учун алгоритмларнинг умумий гуруҳланган босқичлари 1-расмда келтирилган. Бундай тузилиш ёрдамида товушлар, бўғинлар ва нутқ сўзларини таниб олиш муаммосини ҳал қилиш имконияти ўрганилган. Дастлаб, вақт муҳитида нутқ сигналини ёзишни фонограммасига бошланғич ишлов бериш жараёнида амалга оширилади. Шундан сўнг, нутқ сигнали параметрларга ажратилади ва интеллектуал ишлов бериш алгоритмлари ёрдамида нутқ сигнали ҳақида маълумот олинади. Ҳар бир босқичда муаммонинг умумий шаклланишига қараб, танланган нутқ сигналга ишлов беришнинг бир нечта алгоритмлари мавжуд. Болаларнинг нутқ сигналларига ишлов бериш жараёнида ушбу босқичларнинг алгоритмларидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.




1-расм. Нутқ сигналларига ишлов бериш босқичлари

Диссертациянинг «**Нутқ сигналларига параметрик ишлов бериш усуллари ва алгоритмлари кетма-кетлигини яратиш**» деб номланган иккинчи бобида нутқ сигналларига рақамли ишлов беришнинг ҳар бир босқичларининг алгоритмлари аниқланган. Бошланғич ишлов бериш босқичида нутқ сигналини силлиқлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Нутқ сигналларини силлиқлаш жараёнида қуйидаги масалаларни ечади:

- нутқ сигналга ташқи таъсирлар асосида қўшилган (асосий сигналга бошқа тасодифий сигналнинг қўшилиши) шовқинларни бартараф этади;
- нутқ сигналини ёзиб олиш (рақамли кўринишга ўтказиш) жараёнида аппарат қурилмаларидан тасодифий қўшилган шовқинлардан тозалайди.

Нутқ сигналидаги шовқинлар частотаси асосий сигнал частотасидан фарқ қилади. Нутқ сигналининг юқори частоталари сигналдаги шовқинларни ифодалайди. Бу шовқинларни бартараф этишда юқори частоталарни филтрлаш алгоритмларидан фойланиш зарур. Шу сабабли, нутқ сигналларидаги филтрлаш, силлиқлаш функциясини бажаради. Кейинги босқичда фреймларга ажратиш, Ҳемминг ойнасидан ўтказиш, дискрет Фурье ўзгартириш (ДФЎ), мел-ўзгартириш, логарифмлаш, дискрет косинус ўзгартириш (ДКЎ) ва MFCC (Mel-frequency cepstral coefficients) қийматларини ҳисоблаш амалга оширилади (2-расм).



2-расм. MFCC қийматларини олиш алгоритми

Бундан ташқари, нутқ сигналларини таниш жараёнида қарор қабул қилиш алгоритмларининг қўлланилиши ва ушбу алгоритмларнинг математик ифодалари келтирилган. Бобнинг асосий мазмуни бошланғич ишлов бериш алгоритмлари, параметрик ишлов бериш алгоритмларининг нутқ сигналлари учун қўлланилиши ва уларнинг дастурий модулларининг яратилишига бағишланган. Бобда ўзбек тили нутқ сигналларига ишлов беришда қўлланиладиган энг зарур алгоритмларнинг дастурий модуллари ишлаб чиқилган.



3-расм. Дастурий модуллар структураси


Уларга қуйидаги дастурий модуллер тўплами киради:

- нутқ сигналларига бошланғич ишлов берувчи алгоритмлар асосида яратилган дастурлар;
- нутқ сигналларига параметрик ишлов берувчи алгоритмлари асосида яратилган дастурлар.

Нутқ сигналларига ишлов беришда, биринчи навбатда нутқ сигналига бошланғич ишлов берувчи дастурлардан фойдаланилади. Сўнгра, параметрик ишлов берувчи дастурлар нутқ сигналининг керакли параметрларини аниқлайди. Натижада нутқ сигналининг керакли параметрлари устида иш олиб бориш имконияти юзага келади. Ушбу амалий дастурларнинг таркибий қисмлари қуйидаги 3-расмда тасвирланган.

Диссертациянинг «Ўзбек тили товушлари, бўғинлари ва сўзларини танишда суъний интеллект алгоритмлари қўлланилиши» деб номланган учинчи бобида нутқ сигналининг спектрал параметрларига асосланган ўзбек тили нутқига ишлов берувчи умумий структура ишлаб чиқилган (4-расм).

Ушбу структура, бошланғич ишлов бериш алгоритмлари, параметрлар тўплами кўринишидаги турли хил ахборот белгиларини аниқлашда параметрлар тўплами - сонограммалар, спектограммалар ва формант частоталар ёрдамида нутқ сигналларининг ҳар хил шакллари товушлар, бўғинлар ва сўзларни таниб олишда суъний интеллект алгоритмларидан фойдаланиш натижасида қарор қабул қилишга имкон беради.




4-расм. Ўзбек тили нутқига ишлов беришнинг умумий структураси

Тажрибалар натижасида спектрал ва кепстрал таҳлил алгоритмлари асосида ўзбек нутқ сигналларининг ахборот белгилари таркиби танланади.


Ушбу параметрлар тўпламидан керакли параметрларни танлаш мослашувчан ишлов бериш структурасини яратишга имкон беради, унда динамик дастурлаш алгоритмлари (ДТВ), яширин Марков моделлари ва нейрон тармоқларидан интеллектуал алгоритмлари сифатида фойдаланиш мумкин. Сигнал параметрлари қарор қабул қилиш алгоритмларининг имкониятларидан фойдаланилган ҳолда, ечиладиган масалага қараб танланади. Нутқ нуқсони мавжуд болаларнинг реабилитациясида ёки сўзларни тестлаш ёки товушларни таниш масалаларида фойдаланиш имконини беради.

Ўзбек тилидаги нутқни таниш жараёнида, биринчи навбатда, ёзилган нутқ сигнали дастлабки ишлов бериш филтрлаш, силлиқлаш ва сегментлаш ишлари амалга оширилади. Сегментлаш нутқ сигналининг кесимларларга бўлиш функциясини бажаради, шундан сўнг нутқ сигнали фреймларга ажратилади ва дискрет Фурье ўзгартириш ёрдамида ҳар бир фреймнинг спектрал қийматлари олинади. Натижада, икки ўлчовли спектограмма, формант частоталари ва спектрал қийматлар тўпламида шаклланади. Шундан сўнг, дискрет Фурье ўзгартириш ёрдамида сигналнинг MFCC параметрлар тўплами шаклланади. Уларга, нутқ сигналининг сонограммаси ва MFCC қийматлари ёрдамида параметрлар тўплами ҳосил бўлади.


Нутқ сигналининг параметрларига асосланиб, динамик дастурлаш алгоритмлари (5-расм), яширин Марков моделларининг (6-расм) ва нейрон тармоқларининг интеллектуал алгоритмлари кетма-кетлиги (7,8-расм) структуралари ишлаб чиқилган.




5-расм. DTW алгоритми асосидаги нутқни таниш алгоритми



6-расм. Яширин Марков модели асосида нутқ маълумотларини аниқловчи алгоритми



7-расм. Ўргатувчи танланмалар асосида нейрон тармоғини ўқитиш алгоритми



8-расм. Нейрон тармоғи асосидаги нутқни таниш алгоритми

Кўриб чиқилган беш турдаги параметрлар ДТW алгоритмлари, Марков занжирлари ёки нейрон тармоқлари учун кириш маълумотлари танланади. Танлов ишлов беришнинг овоз, бўғин ёки сўзни таҳлил қилиш ёки реабилитация усуллари турига қараб белгиланади. Тадқиқот давомида ушбу интеллектуал алгоритмлардан ёрдамида товушлар, бўғинлар ва сўзларнинг аниқлигини қиёсий таҳлил қилиш амалга оширилган. Ҳар бир сунъий интеллект алгоритмининг аниқлик кўрсаткичлари (фоизларда) 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал. Сунъий интеллект алгоритмининг аниқлик кўрсаткичлари

№	Нутқ маълумоти	D T W	Марков занжири	Нейрон тармоғи
1.	Товуш	73	77	87
2.	Бўғин	74	81	95
3.	Сўз	82	85	91

Таҳлил натижалари, ўзбек нутқини аниқлашда ишлатиладиган сунъий интеллект алгоритмлари умуман олганда етарли аниқликни кўрсатди.

Тажрибалар давомида ҳар бир товуш, бўғин ёки сўз бола томонидан кўп марта такрорланади, кейин ўртача аниқлик танланади. Энг яхши аниқлик нейрон тармоқлари томонидан кўрсатилди (ўртача 90 % дан кўпроқ), шунинг учун ушбу алгоритм бошқа сунъий интеллект алгоритмларига қараганда самаралидир. Бу ишда кўп қатламли перцептрон шаклидаги нейрон тармоқлари таниб олиш кўрсаткичи юқорилиги билан бошқа алгоритмлардан самарали деб баҳоланди, шунинг учун ушбу алгоритмдан болаларнинг нутқ нуқсонларининг реабилитация фойдаланилган. Нейрон тармоқларини қуришда ўқитиш ва тестлаш жараёнига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда, қолган сунъий интеллект алгоритмлари (ДТВ, Марков занжирлари) дастур илованинг бир қисми сифатида ишлайди. Бунинг сабаби, болаларнинг нутқ нуқсонларининг реабилитацияда баъзи ҳолатларида, ушбу алгоритмлар кўпроқ аниқликни таъминлайди.

Кўриб чиқилган барча сунъий интеллект алгоритмларида учун ишлаб чиқилган маълумотлар базалари аудио ва видео маълумотлар, ҳарфлар тасвирлар, рақамлар, чизмалар ва расмлар, диаграммалар, логопед ва фойдаланувчи болалар маълумотлари 9-расмда келтирилган ва билим базаси нейрон тармоқларининг сақланган вазнларини тўплами кўринишидаги структурали тузилишга эга.



9-расм. Маълумотлар базасининг боғланиш структураси

Диссертациянинг «Логопедик реабилитация технологияларида яратилган алгоритмлар асосида дастурий мажмуа яратиш» деб номланган тўртинчи бобида нутқ нуқсони мавжуд болаларнинг реабилитация технологияларида фойдаланиладиган дастурий мажмуанинг структураси ва фойдаланувчи интерфейси тавсифланган. Дастурий мажмуа учта

компонентли модуллардан фойдаланган ҳолда мультимедиа интерфейсларини камраб олади:


1. Нутқ товушларини таниш модули;
2. Нутқ бўғинларини таниш модули;
3. Нутқ сўзларини таниш модули.

Дастурий мажмуа ёрдамида нутқида нуқсони бўлган болалар учун маълумотлар ва билим базалари тузилмаси яратилди. Бобда нутқида турли хил нуқсонли болаларни реабилитациялашнинг бошланғич даврида дастурий мажмуасини қўллаш бўйича материаллар келтирилган.

Дастлабки босқичда логопедлар мажмуадан фойдаланган нутқида нуқсони бўлган болаларни товуш камчилигини аниқлайди. Кўпинча бундай болаларда(дислалия ташхиси) «S», «R», «Sh» ва «Z» синов товушларининг талаффузи бузилганлиги аниқланади. Таҳлил алгоритмлари ёрдамида нутқида нуқсони бўлган болаларда мавжуд бўлган товушларнинг умумий бошланғич, дастлабки белгилари олиниб, нутқ бўйича билимлар базаси (кейинги дарслар жараёнида ўқитиш ва таққослаш)нинг дастлабки стандартлари шакллантирилади.

Машғулотлар давомида ва реабилитация жараёни тугагандан сўнг олинган натижалар дастлабки (маълумотнома) натижалар билан таққосланди. Таҳлил натижалари, реабилитация жараёни бошланишида (синов танлови) дастурий мажмуа ёрдамида олинган кўрсаткичлар ўртача 20-40% оралигида бўлганлигини кўрсатди. Реабилитация тугагандан сўнг, мажмуа ёрдамида олинган талаффуз аниқлиги 95% дан юқори аниқлик берди.

«S» товуши жарангли бўлгани учун талаффуз пайтида тиш ва тилнинг махсус ҳаракатларини талаб қилади. Бола томонидан ушбу ҳаракатни тўғри ташкил этмаслик «S» товушининг талаффузи камчилигига олиб келади. Амалий тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, «S» товушини қайта тиклаш пайтида кунлик ўсиш даражаси 1,5 % ни ташкил этди.



8-расм. “S” товушининг реабилитация графиги

Натижада, болаларда умумий овозни талаффуз этиш даражаси 85 % дан кўпроқни ташкил этди. Тадқиқотлар танланган 10 та боланинг ичидан 6 тасида ушбу товуш камчилиги кузатилган ва тажрибалар шу 6 та болада ўтказилилган.


Тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар нутқининг ривожлантиришда логопедик машғулотлар ҳафтасига 2-3 марта, энгил ҳолатда (1-3 ой), ўртача (3-6 ой), оғир ҳолатда (6-12 ой) ва ўта оғир ҳолатда 1-2 йил ташкил этилади. Дастурий мажмуадан фойдаланиш, боланинг нутқини ривожлантиришда ҳам ота-оналар ҳам логопед учун қуйидаги самарали иқтисодий кўрсаткичи ечимларни беради:

- мажмуа ёрдамида логопед бир неча бола билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу ўз навбатида логопеднинг иш унумдорлигини оширади;

- мажмуа ёрдамида ота-оналар болалар билан мустақил равишда логопедик машғулотларни такрорлаш ва бажариш имкониятига эга бўлади. Бу ўз навбатида, болалар учун машғулотларни ўзлаштириш жараёнини оширади. Ота-оналар учун иқтисодий самарадорликни беради;

- мажмуа ёрдамида логопед болаларнинг машғулотлар натижаларини автоматик кўриши натижасида таххислаш ва хулосалаш тезкорлиги оширилади. Бу ўз навбатида, логопедга вақтнинг тежалиши ва қўшимча боллар билан ишлаш имкониятини яратади.

Дастурий мажмуа билан биргаликда олиб борилган реабилитация натижаси максимал 10 ҳафтада юқори самара берди (9-расм, 1-чизиқ). Одатда, логопедик машқлар ва логопедик технологиялар билан бу жараён 15 ҳафтагача давом этган (9-расм, 2-чизиқ).



9-расм. Дастурий мажмуанинг реабилитация самараси

Шундай қилиб, нутқида нуқсонлари бўлган болаларни синаш ва реабилитация қилиш жараёнида компьютер ва дастурий таъминотдан

фойдаланишнинг таъсири аниқ. Бу, ногирон болаларни реабилитация қилиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини изоҳлайди.

Диссертация иши дастурий мажмуадан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини тақдим этилган.

Дастур мажмуада нутқ нуқсони мавжуд болларни ва логопедларни рўйхатга олиш дастурларини, шунингдек фойдаланувчилар учун йўриқномалар киритилган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида нутқ сигналларига ишлов бериш моделлари ва усуллари асосида ўзбек тилидаги нутқ сигналларига ишлов бериш алгоритмлари яратилган. Ушбу алгоритмлар асосида яратилган дастурий мажмуа нутқ камчилиги мавжуд болалар учун мультимедиа технологиялари асосида ишлаб чиқилди. Илмий тадқиқот ишининг бажарилишини натижасида қуйидаги илмий натижаларга эришилди.

1. Нутқ сигналларини филтрлаш ва сегментация қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар жимлик ҳолатларини олиб ташлаш ва ташқи таъсирлардан келиб чиққан шовқинлардан сигнални тозалаш ва ишлов бериш аниқлигини оширишга имкон беради.
2. Ишлов бериш фреймларининг параметрлари аниқланган, силлиқлаш ва ойнадан ўтказиш алгоритмлари ишлаб чиқилган ҳамда улар асосида сигналларга ишлов бериш алгоритмларининг умумий кетма-кетлиги яратилган.
3. Ўзбек тили нутқнинг хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида сигналларнинг параметрик кўриниши, сигналдаги асосий ахборот белгиларини танлаш ва уларни инсон эшитиш тизимига мослаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Параметрик идентификациялашда ишлатиладиган бошланғич ва спектрал ишлов бериш алгоритмлари учун иловалар ишлаб чиқилган.
4. Ўзбек тилидаги товушларни, бўғинларни ва сўзларни таниб олиш учун процедуралар, маълумотлар ва билимлар базаси ишлаб чиқилган, юқори аниқлик билан ишловчи сунъий интеллект дастурларининг амалий модуллари ва алгоритмлари яратилган.
5. Ўзбек тилининг нутқ товушлари, бўғинлари ва сўзларини таниш масаласи ечишда, нейрон тармоқлари алгоритмларидан фойдаланиб нутқ нуқсони мавжуд болалар учун қулай интерфейсга эга дастурий мажмуа яратилган.
6. Мажмуадан фойдаланиш талаффузнинг тўғрилигини тезкор тарзда баҳолаш ва ўқув жараёнига ўзгартиришларни киритиш имконини берди.
7. Яратилган дастурий мажмуа логопедлар ва болалар ўртасидаги мулоқот жараёнини осонлаштиради, машғулотлар сонини сезиларли даражада камайтиради ва нутқ нуқсонларини бартараф этиш учун самарали восита ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

БЕРДАНОВ УЛУГБЕК АБДУМУРОДОВИЧ

**АНАЛИЗ РЕЧЕВЫХ СИГНАЛОВ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
АЛГОРИТМЫ ОБРАБОТКИ И ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/Т444.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Мусаев Мухаммаджон Махмудович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мўминов Баходир Болтаевич
доктор технических наук

Авазов Юсуф Шодиевич
Phd, доцент


Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет


Защита диссертации состоится «12» октябры 2020 г. в 16⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Т.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №Д/161). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «09» октябры 2020 года,
(протокол рассылки № 15 от «18» октябры 2020 г.).




Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор


Ф.М.Нураллиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, доцент.


М.А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Совершенствование компьютерных технологий стимулировало развитие средств обработки речевых сигналов. Большое внимание было уделено совершенствованию алгоритмов обработки речевых сигналов, которые являются одним из видов цифровой обработки сигналов. В мире ведутся исследования по решению таких проблем, как распознавание речи, синтез и передача речи. В развитых странах, в том числе в России, США, Китае, Японии, Южной Корее, Германии, Франции и других странах, проводятся научные исследования по обработке речевых сигналов на различных языках. В частности, в Узбекистане проводятся теоретические и практические исследования по обработке узбекской речи с использованием современных информационных технологий.

В мировой практике ведется множество научных исследований по разработке программно-аппаратных средств распознавания речи на различных языках, созданию прикладных программных пакетов обработки и передачи речи. В мировых научных центрах проводятся исследования, основанные на моделях искусственного интеллекта с целью создания эффективных алгоритмов для каждого типа языков. В связи с этим разработка математических методов, алгоритмов, баз знаний и баз данных для обработки речевых сигналов на узбекском языке, а также разработка прикладных программ с удобным интерфейсом является важной научной и практической проблемой.

В нашей республике уделяется большое внимание развитию информационных технологий, обеспечению широких слоев информационными услугами, созданию удобных программных средств, повышению эффективности использования программных продуктов. Была утверждена Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах определены такие задачи, как «...радикальное улучшение условий, необходимых для всестороннего интеллектуального, эстетического и физического развития детей, ... внедрение и использование передовых информационных и коммуникационных технологий, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и систему управления»¹. Использование программных средств для ранней диагностики и своевременной реабилитации детей с ограниченными возможностями является одной из актуальных проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5270 от 1 декабря 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы

государственной поддержки лиц с инвалидностью», №УП-5099 от 30 июня 2017 года «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в Республике», №УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», №ПП-3245 от 29 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Во многих научных центрах США, Германии, Англии, России и Китая проводились научные исследования по созданию моделей, методов и алгоритмов анализа и распознавания речевых сигналов, разработке эффективных систем цифровой обработки. В этом принимали активное участие известные зарубежные ученые Э. Айфичер, Л.Р.Рабинер, К.Н. Дэвис, Р. Биддальф, С.Балашек, К.Нагата, Х. Сакое, И. Патель, Е. Трентин, Ю.Луй, А.Халид, Т.К. Винцюк, А.М.Трахман, Н.Г. Загоруйко, А. А. Карпов И.С. Зайцев, Н.Е.Тимофеев, И.С. Кипяткова, А.А. Борискевич, В.Н. Сорокин, Б.М.Лобанов, В.М. Величко, которые создали эффективные модели и алгоритмы, широко используемые учеными при обработке речевых сигналов..

